# МАВЗУ: “МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

# Режа:

1. “Меҳнат муҳофазаси” фанига кириш.
2. “Меҳнат муҳофазаси” фанининг мақсади ва вазифалари.
3. “Меҳнат муҳофазаси” фанининг таркибий қисмлари.

Ҳар йилнинг 28 апрел куни халқаро меҳнатни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади.

Жаҳонда меҳнат муҳофазасини назорат қиладиган халқаро ташкилот бу – Халқаро мехнат ташкилотидир (ХТМ).

Унинг маълумотлариг кўра:

- ҳар йили ер юзида 2 млн. дан ортиқ инсон ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва жарохатланиш натижасида ҳалок бўлади. Бу ҳар куни 6 мингдан ортиқ инсон деганидир;

- ҳар йили ер юзида 270 млн. инсон ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида жарохатланади;

- бутун дунё ялпи ички маҳсулотнинг 4 % (тахминан 72 тлн.дол.) ишлаб чиқаришдаги номақбул меҳнат шароити туфайли йуқотилади.

# Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Ибрагимов Э.И., Газиназарова С., Юлдашев О.Р. Меҳнат муҳофазаси махсус курси. Дарслик. –Т.:, ТИМИ босм.. 2013. – 555 б.

2. Ибрагимов Э.И., Газиназарова С., Юлдашев О.Р. Меҳнат муҳофазаси махсус курси фанидан амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланма. –Т.:, ТИМИ босм.. 2013. – 215 б.

3. G‘oyipov H.E. Mehnat muhofazasi. O‘quv qo‘llanma. –T.: “O‘zbekiston milliy enciklopediyasi”, 2004. – 341 b.

4. Йўлдошев Ў. ва бошқалар. Меҳнатни мухофаза қилиш. -Т.: Меҳнат, 2005.

5. Ёрматов Ғ., Исамуҳамедов Ё. Меҳнат муҳофазаси. -Т.: Ўзбекистон, 2002. – 384 б.

## „Меҳнат муҳофазаси”

ГОСТ 12.0.002-2003 бўйича:

**Меҳнат жараёнида ишловчилар соғлиғини ва иш қобилиятини сақлашга, ҳамда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, психофизиологик, эргонмик тадбирлар ва воситалари тизимидир.**

## „Меҳнат муҳофазаси” фанининг мақсади

- ишлаб чиқаришда хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратиш учун мутахассисларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш;
- технологик жараёнларда ва машина ва механизмларда авариялар содир бўлганда ишчи ва хизматчиларни тўғри ҳаракат қилиш ва ҳимояланишга ўргатишдир.

# Меҳнат қилишнинг турли кўринишлари










„Меҳнат муҳофазаси”-нинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари
Меҳнат хавфсизлиги асослари (техника хавфсизлиги)
ММ фани қуйидаги таркибий қисмлар
Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси
Ёнғин хавфсизлиги асослари

## Меҳнат муҳофазаси”  фанининг бошқа фанлар билан боғланган

**Ижтимоий, ҳуқуқшунослик ва иқтисод фанлари -** меҳнат ҳуқуқи, жамиятшунослик, меҳнатни илмий ташкил қилиш, иқтисод, қишлоқ ва сув хўжалигини ташкил қилиш ва режалаштириш ва бошқа.

**Тиббиёт фанлари-** меҳнат гигиенаси, саноат санитарияси, саноатда заҳарланиш, меҳнат физиологияси, меҳнат қилиш психологияси.

**Техника фанлари-** умуминженерлик фанлари, ёнғинга қарши кураш техникаси, инженерлик психологияси, эргономика, саноат дизайни ва бошқа

# Меҳнат муҳофазаси”  фанининг вазифалари

- машина ва механизмларда қўлланиладиган хавфсизликни таъминлаш техник воситаларини ўргатиш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, ўрганиш ва амалда қўллай билишни ўргатиш;
- меҳнат хавфсизлиги шароитларини яратишда мансабдор шахсларнинг вазифалари ва жавобгарликларини ўргатиш ;
- ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш услубларини ўргатиш;
- зарарсиз иш шароитини таъминловчи умумий ва шахсий ҳимоя қилиш услуб ва воситаларини ўргатиш;
- турли машина ва механизмларни, электр қурилмаларини ишлатишда, ва таъмирлашда кўриладиган асосий техника хавфсизлиги талабларини ўргатиш;

**Мехнат мухофазасининг ижтимоий ахамияти**

Ишловчиларнинг хаёти ва соглигини ишлаб чикаришда юзага келиши мумкин булган зарарли ва хавфли омиллардан мухофаза килади

Ишловчиларнинг маънавий, маърифий ва маданий савиясининг оширилишига имконият яратади.

Ишловчиларда уз мехнатидан коникиш хиссини уйготади, куп касбларнинг обрусини оширади

Мажбурий ижтимоий сугурта фонди воситларини иктисод килади

**Мехнат мухофазасининг иктисодий ахамияти**

Ишловчиларнинг мехнат унумдорлигини ошириш билан ишлаб чикариш иктисодини оширади

Ишлаб чикаришдаги жарохатланишлар ва касб касалликлари окибатида ишлаш кобилиятининг вактинчалик йуколиши натижасида юзага келадиган иш вактини йукотиш холатининг камайтиради

Нокулай мехнат шароити туфайли юзага келадиган ходимлар кунимсизлигини камайиши, янги ходимларни тайёрлаш учун маблагларнинг иктисод килади

**Мехнат мухофазасининг хукукий ахамияти**

Ишловчиларни кобилияти буйича ишга кабул килиш имкониятини яратиб беради

Ишловчиларнинг мехнатни мухофаза килишга булган субъектив хукукларини ва иш берувчиларнинг бу хукукни амалга ошириш буйича мажбуриятларини белгилайди

Ишловчиларнинг мехнат хавфсизлиги конун ва коидалари талабларини бажаришгамажбурлигини белгилайди

**Мехнат мухофазасининг техник ахамияти**

Ишлаб чикаришда кулланиладиган машина ва механизмларга, ускуналарга, курилмаларга, асбобларга, бино ва иншоотларга, технологик жараёнларга ва бошкаларга туларни лойихалашда, куришда, синашда, ташишда, урнатишда, ишлатишда, техник хизмат курсатишда амал килинадиган умумий ва хусусий хавфсизлик талабларини ва меъёрий техник хужжатлар тизимини ишлаб чикиш, тадбик этиш ва назорат килиш

Хавфсизликни таъминлашнинг янги ва замонавий инженер-техник воситаларини ишлаб чикиш, ишлаб чикарилаётган техникаларнинг хавфсизлигини ва мустахкамлигини ошириш, эргономик курсаткичларини юксалтириш, машиналар ишлашини назорат килиш ва автоматик бошкарув воситаларини тадбик этиш

# Назорат саволлари

1. “Меҳнат муҳофазаси” нима?
2. “Меҳнат муҳофазаси” фани ўрганадиган муаммолар ниималардан иборат?
3. “Меҳнат муҳофазаси” фани қанақа фанлар билан узвий боғланган?
4. “Меҳнат муҳофазаси” фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
5. “Меҳнат муҳофазаси” фани қанақа таркибий қисмларга бўлинади?